Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 15 сентябрь № 194 (3469) Чоршанба

САМАРҚАНД БИЛАН ТАНИШУВ

САМАРҚАНД (ЎзА мухбири Акбар ҚАРШИЕВ).

Расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Чехия Республикаси Президенти Вацлав Клаус 14 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Самарқандга келди.

Чехиялик олий мартабали меҳмон шаҳар билан танишувни Мирзо Улуғбек расадхонасидан бошлади. Ўз даврининг мукаммал илмий ва меъморий мўъжизаси саналган ушбу мажмуа ҳамон барчани ҳайратга солиб келади. Расадхона Чехия раҳбарида катта таассурот қолдирди.

Вацлав Клаус Бибихоним масжидини, Гўри Амир мақбарасини томоша қилди. "Сиёб" бозорини бориб кўрди.

— Ўзбекистонга ташрифим асносида Самарқанддек бетакрор шаҳарни томоша қилганимдан жуда мамнунман, — деди В.Клаус. — Унинг қадимий обидалари менда унутилмас таассурот қолдирди.

Олий мартабали меҳмон Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги янги академик лицей фаолияти билан ҳам танишди.



Ўз касбининг устаси

Янгиқўрғон туманидаги Ҳадикент қишлоғида электрпайвандчи Моҳиржон Қўнғиров ҳақида гап кетгудек бўлса, аҳоли унга шундай деб баҳо беради. Негаки, бу ҳудудда Моҳиржон аканинг қўли тегмаган иш йўқ. Қишлоқ хўжалиги техникаларини созлашми, бирор хонадонга ичимлик суви тармоғини улашми — барисида у пайвандлаш юмушларини аъло даражада бажаради.

Яқинда эса қишлоққа 2,5 километр узунликда табиий газ тармоғи тортилди. Бу жараёнда ҳам Моҳиржон Қўнғиров монтаж ишларини кифтига келтириб уддалади.

СУРАТДА: электрпайвандчи Моҳиржон Қўнғиров.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Болалар — келажагимиз

Илк қадам қувончлари

Инсон тақдирида бурилиш даврлари бўлади. Жумладан, боланинг етти ёшга тўлиб мактаб остонасига қадам қўйиши ана шундай ҳаяжонли тақдир бурилишларидан биридир. Шу боисдан, мактаб тонгини, болаларнинг ўзини қўяверинг, ҳатто ота-оналар ҳам байрамона ҳис-туйғулар билан, илҳақ бўлиб кутадилар.

Бизнинг Ўзбекистон мактабларида болаларнинг илк бор мактабга бориши эса давлат миқёсида эътиборга лойиқ бир воқеа, деб қадрланмоқда. Бунинг энг ёрқин далили шуки, ҳар ўқув йили бошланган сентябрь ойининг илк кунида биринчи синфга борган барча ўзбекистонлик болакайлар нақд Президент боболарининг совғаларига сазовор бўладилар! Яъни ўша куни Ватанимизда биринчи синф парталарига ўтирган ҳар бир ўқувчига давлатимиз раҳбари номидан 12 номдаги чиройли ўқув қуроллари жойланган мактаб сумкалари бепул ҳадя этилади. Ҳадя ўқув қуроллари орасида ўқувчилар сумкасидан тортиб 12 дона дафтар, рангли қоғозлар, ручка, қаламдон ҳамда оддий ва рангли қаламлар, акварель бўёғи, пластилин, ҳатто елим ва ўчирғичлар ҳам бор.

— Бу совғалар биринчи синфга борган кичкинтой ўғил-қизалоқларимиз учун ғоятда муҳим воқеа, — дейди биз билан суҳбатда Халқ таълими вазирлиги қошидаги «Ўқув-таълим-таъминот» бош бошқармаси раҳбари Исматилла Султонов. — Чунки уларни болалар шахсан давлатимиз раҳбарининг номидан қабул қилиб олади. Бу эса фарзандларимизнинг тақдирида ўта ҳаяжонли дамлардир. Ушбу совғаларни олган ўқувчилар ўз ўқишига ҳам, ҳатто ҳаётига ҳам алоҳида бир масъулият билан қарай бошлайди. Яъни, бундай мўътабар совғани олган болакай, қизалоқ мактабда «аъло» баҳоларда ўқишга интилади. Мактабда, оилада, жамоатчилик орасида яхши хулқи, одоби билан ажралиб туришга интилади.

Биринчи синфга борадиган ўқувчиларни ўқув қуроллари билан бепул таъминлаш мамлакатимизда шахсан Юртбошимизнинг ташаббуси ва ташкилотчилигида жорий этилди. Президентимизнинг бевосита имзоси билан 1997 йилнинг 20 августида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 409-сонли «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши, моддий шарт-шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Худди ана шу давлат ҳужжатида 1-синф ўқувчиларини ҳар йили, мунтазам равишда 12 номдаги ўқув қуроллари билан бепул таъминлаш вазифаси махсус моддада белгиланган. Шуни таъкидлагимиз келадики, бошқа яқин-узоқ мамлакатлардаги таълим амалиётида бундай тадбир кўзга ташланмайди. Бизда эса бу тадбир давлат сиёсати даражасидадир. Чунки, келажагимиз бунёдкорлари бўлган баркамол авлодлар таълим-тарбиясига Ўзбекистонда беҳад катта эътибор бериб келинмоқда. Бу йўлда биз ҳеч нарсани аямаяпмиз.

— Табиийки, биринчи синф ўқувчиларини ўқув қуроллари билан бепул таъминлаш ёш авлодга ғамхўрликни кучайтириш йўлида кўрилаётган ўнлаб чора-тадбирларнинг биттаси, холос, — деб мурожаат қилдик биз суҳбатдошимизга. — Бизни қизиқтираётган масала шуки, атиги мана шу битта тадбирга ҳам давлатимиз томонидан озмунча саъй-ҳаракат ва сарф-харажат қилинмаётгандир?

— Ҳа, албатта. Масалан, битта тўплам ўқув қуролларининг нархи ўртача 7000 сўмни ташкил этади. Бу йил юртимиз мактабларининг биринчи синфига эса 590 минг нафар ўқувчи қабул қилинди. Энди мана шунча ўқувчини ўқув қуроллари билан таъминлаш учун давлат хазинасидан 4 миллиард 84 миллион сўм маблағ ажратилди. 1997 йилдан буён ҳар йили бу тадбирга, шу тариқа, миллиард-миллиард сўмлаб маблағ ажратилмоқда. Табиийки, ҳар йили биринчи синф ўқувчиларининг сони ортиб боради. Демак, бу борадаги харажатлар ҳам янада кўпаяди. Булар — эзгу, савобли тадбирлардир. Таълим-тарбия ривожига қилинаётган сарф-харажатлар, албатта, вақти келиб ўз самарасини беради.

Бошқармамиз, — деди суҳбат сўнгида И. Султонов, — биринчи синф ўқувчиларига аталган совғаларнинг сифатини, бежиримлигини такомиллаштириб бориш учун интилмоқда. Ҳар йили бу йўналишда йирик тендер танловлари ўтказилади. Жорий йилда ўтказилган тендерда 654 та ташкилот иштирок этди. Юзлаб корхоналар болакайлар учун энг сифатли, чиройли, ихчам, болалар дидига ёқадиган, бунинг устига арзон нархлардаги ўқув буюмлари ишлаб чиқариш бўйича биз билан шартномалар имзолади.

Тендерлар мактаб таълими учун сифатли жиҳозлар ишлаб чиқарадиган маҳаллий саноатнинг ривожланишига ҳам омил бўлмоқда. Пировардида мана шу ишлаб чиқариш тизимида юртдошларимиз учун минглаб янги иш ўринлари ҳам очиляпти. Бу эса ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида жуда муҳим.

М. САФАРОВ.

Хабарлар оқимидан

Қорақалпоғистон Давлат кутубхонасида "Ўзлигинг муборак, Ўзбекистоним!" мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

Мулоқот ва кўргазма

Тадбирда иштирок этган йирик олимлар— Минсизбой Сейтимбетов, Жалғасбой Айтмуратов мустақиллик йилларида Ўзбекистонда олиб борилган улкан бунёдкорлик ишлари, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва бошқа масалалар ҳақида гапирдилар.

Кеча сўнгида "Ўзбекистон — озод ва обод мамлакат" деб аталувчи китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Мактабдан ташқари таълим

Фарғонада бўлиб ўтган Республика семинар-кенгаши "Мактабдан ташқари таълим самарадорлигини ошириш ва тараққиёт истиқболлари" мавзуига бағишланди. Фарғона вилояти ҳокимлиги ва Республика Халқ таълими вазирлиги ҳамкорликда ўтказган машварат иштирокчилари семинар-тренинглар, машғулотлар, суҳбат ва мунозаралар қаторида мактабдан ташқари тизимда амалга оширилаётган ишлар билан ҳам яқиндан танишдилар.

Амалий кенгаш иштирокчиларида, айниқса, Қува туманидаги 33-, Фарғона шаҳридаги 1-, Марғилондаги 29-мактабларда олиб борилаётган ишлар катта таассурот қолдирди. Шунингдек, меҳмонлар Олтиариқ туманида "Соғлом авлод маркази" ҳамда Охунбобоев туманида "Мактаб — қўшимча таълим маркази"нинг тақдимот маросимида ҳам иштирок этдилар.

Набижон СОБИР, "Халқ сўзи" мухбири.

"Биринчи ёрдам" мусобақаси

Пойтахтимизнинг Ғофур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида кўнгиллилар ўртасида "Бутунжаҳон биринчи ёрдам кўрсатиш куни"га бағишлаб "Биринчи ёрдам" мусобақаси ўтказилди.Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг миллий кенгаши томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Қашқадарё, Наманган, Навоий, Тошкент вилояти ҳамда грек ва немис маданият марказларининг кўнгиллилари иштирок этишди.

Ҳаётда юз бериши мумкин бўлган турли хил нохушликлар, тасодифий ҳодисаларга ҳамиша тайёр туриш, биринчи ёрдамни кўрсата олиш — кўнгиллилар тарғиб қилаётган муҳим масала ҳисобланади.

Улуғой ДОЛИЕВА, ЎзДЖТУ талабаси.

ЯПОНИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ БОШЛАНДИ

"Ўзбекистон" теннис марказида мамлакатимизда Япония маданияти кунларининг тантанали очилиш маросими бўлди. Унда икки мамлакат маданият ва санъат намояндалари, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда Буюк ипак йўлида жойлашган юртимиз азал-азалдан дунёнинг кўплаб давлатлари билан дўстлик ришталарини боғлагани таъкидланди. Мамлакатимиз билан Кунчиқар юрт ўртасидаги савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар олис тарихга эга.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 1994 йил май ойида Японияга расмий ташрифидан сўнг мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янги даври бошланди. Президентимизнинг 2002 йил июлида Токиога навбатдаги ташрифи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳалардаги муносабатларни янги босқичга кўтарди. Ушбу ташриф чоғида имзоланган ҳужжатлар, хусусан, Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилмоқда.

Ватанимизда Япония маданияти кунларининг ўтказилиши яхши анъанага айланган. 1997 йилдан буён ташкил этилаётган ушбу тадбир Ўзбекистон билан Япония ўртасида турли соҳада, жумладан, маданий ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юичи Кусумото, ушбу тадбир икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади, деб ишонч билдирди.

Бир ой мобайнида Тошкент, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида Кунчиқар юрт маданиятининг рангбаранг намуналари юртдошларимиз эътиборига ҳавола этилади. Жумладан, Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида икки мамлакат санъаткорлари иштирокида концерт дастури, Ўзбекистон-Япония инсон ресурсларини ривожлантириш марказида сёриндзи кемпо жанговар санъати, икебана — гулдасталар тузиш санъати намойиш этилади.

"Ўзбеккино" Миллий агентлиги ҳамда Япония элчихонаси ҳамкорликда ташкил этадиган кинофестивал дастуридан япон халқининг миллий анъаналари, қадимий маданияти акс эттирилган бадиий, ҳужжатли, анимацион фильмлар ўрин олган. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида қоғоздан афсонавий қушлар ясаш санъати билан танишиш мумкин бўлади.

Япония маданияти кунларининг очилиш маросимида Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Соғломлик учун танлов

БМТ халқаро болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамда Ўзбекистон Болалар жамғармаси ҳамкорликда "Соғлиқ ва бахт боқичлари" мавзуида ижодий танлов эълон қилди, дея хабар беради "Туркистон-пресс" мухбири. "Ҳаётни ҳимоялаш далиллари" тўплами асосида ўтказилажак мазкур танловга энг яхши шеърий, насрий асарлар ва фотолавҳалар билан иштирок этиш мумкин.

Танлов "Соғлом оила, соғлом турмуш тарзи, соғлом авлод" шиори остида ўтказилиб, унга кўра тақдим этилган асарлар тўплам шартларига мос бўлиши керак.

Ғолиб деб топилган асарлар 2005 йили — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига нашрдан чиқарилиб, мамлакат миқёсида тарқатилади.

Новосибирскда Ўзбекистон кунлари

Шаҳарнинг А.Чехов номидаги марказий кутубхонасида мамлакатимиз истиқлолининг 13 йиллигига бағишланган Ўзбекистон кунларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонаси кўмагида ўзбек диаспораси вакиллари ва Новосибирск шаҳар ҳокимияти билан биргаликда ташкил этилди.

Йиғилганларда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари тўплами CD-дискининг тақдимоти катта қизиқиш уйғотди. Маросимда сўзга чиққанлар, замонавий электрон воситалари туфайли россияликлар бугунги Ўзбекистон, давлат томонидан узоқни кўзлаб олиб борилаётган сиёсат ҳақидаги ўз билимларини кенгайишига имкон яратилганлигини алоҳида таъкидладилар.

Новосибирск шаҳар мэри ўринбосари В.Федоров Россиянинг йирик шаҳарларидан бирида Ўзбекистон кунлари ташкил этилганлиги учун миннатдорлик айтиб, келгусида бундай тадбирларни ўтказиш анъаналари давом эттирилишига умид билдирди. Шунингдек нотиқ, шаҳар раҳбариятининг Новосибирск ва Ўзбекистон ўртасида аввалги мустаҳкам илмий ва саноат соҳасидаги алоқаларни тиклаш ҳақидаги режалари борасида атрофлича сўз юритди.

Ўзбекистон кунлари доирасида "Ўзбекистон ўтмиши, ҳозири ва келажаги" мавзусида конференция ўтказилди. Унда "Ўзбекистоннинг тарихий ёдгорликлари ва шаҳарлар меъморчилиги", "Ўзбек халқи тарихи", "Санъат, ижодий турмуш ва ўзбек халқи урф-одатлари", "Ўзбекистон жуғрофияси, иқтисодиёти ва давлат қурилиши", "Мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти асослари" каби маърузалар тингланди.

Тадбирда ИТАР-ТАСС агентлигининг мухбири, бадиий фотографиянинг таниқли устаси В.Дубровскийнинг ўзбек жамиятининг замонавий тарихи ёрқин лаҳзаларини ҳикоя қилувчи шахсий фото кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Музаффар ЗОҲИДОВ, "Жаҳон" АА.

Огоҳ бўлайлик

Қаҳрга қарши меҳр

Эрта тонгда қўшни ҳовлидаги карнай-сурнай овозидан уйғониб кетдим. Қайсидир ота-она не ниятлар ила вояга етказган фарзанди тўйини қиларди. Ўғил уйланяптими, қиз чиқаришми ё суннат тўйими — ҳар қайси ота-онанинг эзгу нияти ижобат бўладиган кун бу. Фарзандини катта ҳаёт йўлига узатиб, фотиҳага қўл очаркан, отанинг ҳам, онанинг ҳам дилларидан аввало шу кунга етказганига шукроналик ўтади. Қолаверса, ўғил-қиз ўстириш машаққатининг барча мушкулотлари, оғир-енгили шу дамда унутилади.

Шулар ҳақида ўйларканман, бу тонг Бесландаги кечагина болажони, жону жаҳонидан айрилган, мурғаккина танасини тупроққа қўйган онанинг фожеаси юрагимга оғриқ беради. Бутун вужудимни ларзага солади. Ахир, онани яратмасин экан, дейишади-ку. Назаримда қайси миллат, қайси иркда бўлиши, қайси давлат, қай элатда яшашидан қатъи назар бутун дунё оналарини бир нарса бирлаштиради. У ҳам бўлса, фарзанд қувончи ё фарзанд доғи.

Ҳали ўзимиз ёш пайтимизда оналаримиз дуога қўл очиб, "Орқамда қолинглар, доғингизни кўрсатмасин" дейишса, бу гапнинг туб маъзини англаб етмасдик. Бесландаги оналарнинг фарёдлари, кўз ёшлари, болажонини қидириб рўйхатларни ахтариши, деворларга илинган суратларни юрак ютиб кўздан кечиришини кўрганимда "Бу дунёда ҳеч бир она "болам"лаб бўзламасин", деган онажонимнинг сўзлари дилимда янгиланди. Бу кун биз, ўзбек аёллари Бесландаги фарзандидан айрилиб, кўнгли ўксик бўлиб қолган ҳар бир онанинг, оиланинг ғамига шерикмиз, ҳамдардмиз.

Шимолий Осетиядаги бу мудҳиш воқеалар, ғам-алам биз оналарни қанчалик яқинлаштириб, бирлаштирмасин, терроризм деган балога, ўз онасининг оқ сутини оқламаган, энг манфур, энг разил кимсаларнинг қабоҳати, жаҳолати, разолатига бир хил нафрат уйғотди. Асли нафрат ҳам одамга нисбатан бўлади. Бу кўзлари қонсираган, қўллари қон-ла бўялган кимсаларга, ҳали бу ёруғ оламни англамаган, нажотталаб, меҳрталаб болакайга ўқ узишга қўли борган ваҳшийларга ҳатто шу сўзни ҳам раво кўргинг келмайди кишининг.

Бир нарса ўйлантиради, улар ўз пушти камаридан бўлган фарзандини ҳам шундай азоблаган, кунлаб едирмай, ичирмай қийнаган, ҳали ўн гулидан бир гули очилмай, хазон бўлишига сабабчи бўлармиди? Қабиҳ нияти, ғазаби, аламини беозор, бегуноҳ, беғубор келажак меваларидан олиб нима роҳат топдийкин улар. Фарзанд ота-она учун жон эканини улар тушунармиди?

Онанинг фарёди, ноласи тутмасин бу дунёни. У қанчалар мусибатли, оғир бўлса, онанинг нафрати, қарғишига дучор бўлиш... Буни асли душманга ҳам раво кўриб бўлмайди. Бироқ, бугун ўзбекистонлик ҳар бир она уларни қарғиш сўзлари билан лаънатлаяпти. Чунки бундай балоларни биз ўз юртимизда бошимиздан кечирдик, кўрдик, англадик. Шу боис ҳам уни бошқаларга раво кўрмаймиз. Жони бемаврид узилган осетиялик ҳар бир болажоннинг хуни тутсин уларни.

Фарзандларимизнинг келажаги, эртанги куни тинч-осойишта бўлиши учун ҳам бугун биз ҳар қачонгидан сергак, эътиборли бўлишимиз керак. Ахир, ҳаммамиз ҳам шу зурриёдларимиз учун яшаяпмиз. Уларнинг бахти, камоли учун бу дунёнинг тинч-осойишта бўлиши эса кўп жиҳатдан ўзимизга ҳам боғлиқ. Бежизга 2004 йилимиз Меҳр ва мурувват йили деб аталмади. Ахир тинч-осойишта ҳаёт ҳам, бунёдкорлик ишлари ҳам, фаровон турмуш ҳам инсонларнинг бир-бирига меҳри, оқибати туфайли қарор топади. Агар ҳамма бир-бирига меҳр билан муносабатда бўлса, нафақат салбий иллатлар, ҳатто жангариларнинг беъмани хуружлари ўз-ўзидан барҳам топарди. Эзгу ният, соғлом фикр ҳамиша устувор бўлаверади. Табиатнинг ҳаётий шукуҳи бу. Шундай экан, эътиқодимизни бутун қилиб, дилимизни пок тутиб, баҳамжиҳат бўлайлик.

Умида ФАЙЗИЕВА, "Халқ сўзи" мухбири.

Зафарободлик ўқувчиларга совға

Байрамлар, қутлуғ саналар кишиларга қувонч, хурсандчилик улашади. Зафаробод шаҳрида, истиқлол тантаналарига яна бир байрам уланиб кетди. Ахир ёш авлод таълим-тарбия оладиган маскан — янги мактаб очилиши ҳам ўзига хос, арзигулик тантана-да.

Қизилқум кенгликларида жойлашган Зафаробод шаҳридаги мазкур мактаб қурилишига Навоий кон-металлургия комбинати ҳомийлик қилди. Уч қаватдан иборат замонавий ўқув масканини жиҳозлар билан таъминлашни ҳам ҳомийлар ўз зиммаларига олишди. 844 нафар ўқувчига мўлжалланган мактабнинг 40 га яқин синф хоналари замонавий ўқув мебеллари, янги асбоб-ускуналар ва лаборатория жиҳозларига эга.

Мактабда кенг спорт зали ва алоҳида гимнастика хонаси ҳам мавжуд.

Янги мактабнинг очилиш маросимида иштирок этган Ўзбекистон Қаҳрамони Н. Кучерский йиғилганларни қутлаб, ёшларни яхши ўқишга, келажакда эл-юрт учун таянч бўлишига умид билдирди.

Салима ХОЛДОРОВА,
Ғиждувон тумани.

Жаҳон тарихидан маълумки, сайловлар давлат органлари ва жамоат бирлашмалари учун жиддий имтиҳон саналади. Чунки демократия тамойилларига асосан фақатгина сайловлар орқали омманинг ҳақиқий хоҳиш-иродаси аниқланади. Эркин сайланган вакиллар, албатта, мамлакатни одиллик билан бошқаради. Шу жиҳатдан қараганда сайловолди фаолиятнинг умумий маъноси сайлов кампанияси-да аҳолининг тенг ва адолатли иштирокини, аниқ маъноси эса фуқаролар истакларининг кенг акс этишини англатади.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Сайловлар ва жамоат бирлашмалари

Халқаро майдонда «учинчи бўғин» деб аталадиган нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ) Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти барпо этишда, аҳолининг яратувчилик ишларида, жумладан, сайловларда фаол иштирок этиб келмоқда. Модомики, ҳокимиятнинг бағри қанчалик очиқ экан, «учинчи бўғин»нинг сайловолди фаолияти жамият ривожи учун шунчалик фойдали кечади. Бу саъй-ҳаракат мамлакатда сиёсий жараённинг осуда ва самарали ўтишини маълум маънода таъминлайди.

Агар халқаро сайлов андозаларига назар ташлайдиган бўлсак, ННТларга оид алоҳида бандлар борлигига амин бўламиз. Масалан, Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти талабларида «учинчи бўғин»га тегишли: *маърифий* — фуқароларнинг билим ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш; *маъмурий* — ҳокимият лавозимларига сайлашни ташкил этиш; *назорат* — ижтимоий ижод эркинлигини таъминлашга оид бандлар мавжуд. Бу меъёрлар аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ўстиришда, жамиятда демократик қадриятларга риоя этилишида ННТлар фаоллиги муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Аммо бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳеч бир давлат халқаро тажрибага умуммажбурий ёки универсал ёндашмайди. Бунинг ўзига хос жиҳатлари бор. Мисол учун, жаҳонда таниқли сиёсатчилардан бирининг образли ибораси билан айтганда, айрим халқаро андозалар ҳали-ҳануз «бувидан мерос қолган қимматли буюмлар» сифатида ишлатилмоқда. Ушбу «буюм»ларни Демократия исмли невара фақатгина сайлов куни «оила сандиғи»дан кишиларни ҳайратга солиш учун чиқаради. Ваҳоланки, уни қутида сақлаш эмас, балки кўпайтириш, замонлар силсиласида бойитиб бориш инсониятни чинакам тараққиётга етакловчи омил эмасми?

Жамоат бирлашмаларининг сайловлардаги ўрни ҳақида гап кетганда, қонунчилигимизда ННТларнинг жараёндаги иштирокини белгиловчи жаҳон сайлов андозаларига мос ҳуқуқий замин яратилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Хусусан, «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг 2-бандида бундай ташкилотлар «жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлар, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш учун ташкил этилади», дейилган. Шунингдек, бу шаклдаги ташкилотларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи, жамият ривожидаги масъулияти бошқа қонун-ҳужжатларида ҳам белгилаб берилган. Айтайлик, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунлар жамиятдаги барча «бўғин» (давлат органлари, сиёсий партиялар ва ННТ)лар муносабатларини мувофиқлаштиради.

Халқаро мустақил экспертлар бугунги кунда Ўзбекистонда ўзини-ўзи бошқарувчи 2,5 мингтага яқин бирлашма борлигини эътироф этганлар. Бу — аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ва айни пайтда муайян ижтимоий кайфиятни белгиловчи нисбатан яхши кўрсаткич ҳисобланади. Хорижий кузатувчиларнинг таъкидлашича, ўзбек «учинчи бўғини» ўзига хос, мустақил қиёфага эга.

Гарчи таъкидлаб ўтилган фикрлар жамиятимиз ривожида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳиссаси ортиб бораётганлигини кўрсатса-да, (Самарқанд, Андижон, Наманган, Фарғона, Навоий вилоятларидаги) ННТларнинг сайловолди қизиқишлари ўрганилганида, уларни сайлов жараёнининг ранг-баранглиги (сайловолди ташвиқот, депутатликка номзодларни танлаш, сайловчилар рўйхатини тузиш каби масалалар)дан кўра сайлов кампаниясининг якуний босқичи — кузатувчилар фаолияти қизиқтириши маълум бўлди. Назаримда, ўзини-ўзи бошқарувчи бирлашмалар ўз зиммаларига адвокат ёки прокурор вазифасини олмаслиги керак. Акс ҳолда, «учинчи бўғин» қўшни «бўғинлар» билан зиддиятларга дуч келиши мумкин. Шунинг учун улар «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг 4-бандига мувофиқ, ушбу ташкилотларнинг давлат ишларига, давлатнинг эса уларнинг ишларига аралашуви таъқиқланишини эсдан чиқармасликлари лозим. Шуни қайд этиш керакки, мамлакатимиздаги барча сиёсий партия — Халқ демократик партиясидан тортиб, янги партия — Ўзбекистон Либерал демократик партиясигача «учинчи бўғин» билан ҳамкорликда муайян тажриба орттирганлар. Улар сайловолди дастурларини тузиш каби масалаларда ўзаро муносабат ўрнатиб келмоқдалар. Жамиятнинг сиёсий муҳитидаги бу муносабатлар эндиликда сиёсий партияларнинг бирортаси ННТлар билан ҳамкорликсиз муваффақиятга эриша олмаслигини кўрсатади.

Кейинги йилларда мамлакатимиз қонунчилигига киритилган ўзгартишларга асосан, сиёсий партиялар ва мустақил ташаббускорлар гуруҳларининг мавқеи ошди. Мамлакатимизда демократик тамойиллар қарор топгани сайин «учинчи бўғин»нинг сайловларга тайёргарлиги ва уларни ўтказишдаги ўрни муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, бу борадаги ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштириб борилмоқда. Бизнингча, ННТларнинг сайловдаги фаолияти уч босқични ўз ичига олади. Биринчи босқичда жойларда «давра суҳбатлари» ўтказилиб, унда аҳолини ўйлантираётган ижтимоий муаммолар ўрганилади. Иккинчи босқич аксарият ташкилотларнинг сайловолди режаларини ифодалаб берувчи ҳужжатни имзолашни қамраб олади. Ниҳоят, учинчи босқич бу — имзоланган келишувлар бажарилишини назорат этувчи тизимни яратиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйишдан иборат.

Сайлов кампанияси жараёнида муайян тажриба тўпланганига қарамай, баъзи муаммолар ҳам борлиги кўзга ташланмоқда. Аммо улардан асло чўчимаслик керак. Негаки, бу муаммолар фуқаролик жамиятига «ўтиш даври»га хос ҳодисадир. Жамиятда нодавлат нотижорат ташкилотларга эътибор берилгани сайин бу муаммолар барҳам топиб бораверади. Хулоса қилиб айтганда, навбатдаги сайлов қампаниясида ўзбек «учинчи бўғини» жамият олдида етуклик имтиҳонини топширишга шайдир.

Баҳодир ЭРГАШЕВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.

Хабарлар оқимидан

Муаллимлар ташаббуси

Шовот туманидаги экология йўналишидаги 32-мактабни тамомлаган 44 ўқувчининг 12 нафари олий ўқув юртлари талабаси бўлишди. Шартнома-контракт асосида ўқишга кирган ёшларнинг ҳаммаси ҳам тўлов қобилиятига эга эмас. Талабаларнинг устозлари — мазкур мактаб ўқитувчилари бир кунлик иш ҳақимиз билан ёрдам берамиз, деган ташаббус билан чиқдилар. Ташаббуснинг қаноти бор, дейдилар. Бу саъй-ҳаракатни нафақат тумандаги педагоглар, бошқа соҳа ходимлари ҳам қўллаб-қувватламоқдалар.

Шундай қилиб, бу йил шартнома-контракт асосида ўқишга кирган 140 нафар шовотлик талаба моддий жиҳатдан қийналмай билим олишади. Ана буни илм-зиёга эътибор деса бўлади!

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Галаосиёда коллеж

Бухоро тумани марказида 600 ўринга мўлжалланган педагогика коллежи қуриб битказилди. Мазкур даргоҳда барча қулайликларга эга фан кабинетлари, компьютер синфлари, лингофон хоналари, шунингдек, ошхона, кутубхона, спорт заллари ўқувчилар ихтиёрига берилди.

Коллежни қайта таъмирлаш ва янги бинолар бунёд этиш учун 1,3 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

ўз самарасини бермоқда

Мамлакатимиз аграр соҳасида фермер хўжаликлари иш юритишнинг истиқболли ва самарали усулига айланмоқда. Уларнинг сафи йилдан-йилга кенгайиб, республикамизда тайёрланаётган пахта ва ғалладаги улуши ортмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги қарорига кўра эса, 2003 йилдан бошлаб Бухоро, Фарғона, Наманган ва Хоразм вилоятларидаги фермер хўжаликларига тайёрлов корхоналари томонидан бериладиган аванс маблағлари ўрнига тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит маблағлари ажратиш йўлга қўйилди.

Қишлоқ мулкдорлари маблағлардан оқилона фойдаланиш билан бирга, йил якунига келиб, олган кредитларини ўз вақтида қайтардилар ва катта фойда олишга эришдилар. Мисол учун, Хоразм вилоятида ўтган йили фермерларга пахта хомашёси етиштириш учун 3058 миллион сўм, ғалла учун эса 135,4 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Шунингдек, ҳукумат қарорига кўра, бултур зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли 14 та, жорий йилда эса 15 та ширкат хўжалиги тугатилиб, улар негизида фермер хўжаликлари ташкил қилинди. Янгибозор туманида эса барча ширкат хўжаликлари тугатилиб, фермерларга айлантирилди. Умуман, ўтган икки йилда 2 мингдан зиёд фермер хўжалиги вужудга келди. Айни пайтда вилоятда уларнинг сони 7,5 мингдан зиёд. Фермерлар молиялаштиришнинг янги усулидан самарали фойдаланиб, нафақат шартномада белгиланган маҳсулотларни етиштиришмоқда, балки иқтисодиётини ҳам мустаҳкамлаб боряпти. Хусусан, Янгибозор туманидаги "Толли бобо" фермер хўжалиги ўтган йили пахта хомашёси етиштириш учун банкдан 4,9 миллион сўмлик имтиёзли кредит олган эди. Жамоа давлат буюртмасини ортиғи билан уддалаб, 12,5 миллион сўм даромад олишга эришди. Шу билан бирга, банкдан олинган кредит маблағлари устама фоизлари билан ўз вақтида қайтарилди.

Жорий йилда ҳам бу фермер хўжалиги 85 тонна пахта етиштириш мақсадида банкдан 3 миллион сўм кредит олди. Ҳозирги кунда мавжуд пайкалларда режадагидан ортиқ миқдорда ҳосил тўпланган.

Ушбу тумандаги "Шоҳруҳбек" фермер хўжалиги ўтган йили 22,4 гектар майдонда ғўза парвариш қилиб, банкдан 4,4 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олган эди. Жамоа режани ортиғи билан уддалаб, 12,5 миллион сўм даромад олишга эришди. Шу билан бирга, банкдан олинган кредит маблағлари устама фоизлари билан ўз вақтида қайтарилди.

Жорий йилда ҳам бу фермер хўжалиги 85 тонна пахта етиштириш мақсадида банкдан 3 миллион сўм кредит олди. Ҳозирги кунда мавжуд пайкалларда режадагидан ортиқ миқдорда ҳосил тўпланган.

Ушбу тумандаги "Шоҳруҳбек" фермер хўжалиги ўтган йили 22,4 гектар майдонда ғўза парвариш қилиб, банкдан 4,4 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олган эди. Жамоа режани ортиғи билан бажариб, ажратилган кредит маблағини ўз вақтида қайтарди ва якунда 3,8 миллион сўм соф фойда олишга муваффақ бўлди. Урганч туманидаги "Худойназаров Отамурод" фермер хўжалиги бултур 19 гектар ерда ғалла етиштириб, банкдан 952 минг сўм миқдорида имтиёзли кредит олган эди. Давлатга шартномадагидан зиёд буғдой сотиб, кредит маблағини муддатидан илгари қайтарди ва 3 миллион сўм даромадга эга бўлди. Жорий йилда эса жамоага ғалла етиштириш мақсадида банкдан 200 минг сўм миқдорида кредит ажратилди. Давлатга шартномадагидан зиёд, яъни 29 тонна буғдой топшириб, олинган кредит маблағини ўз вақтида тўлади ва 3,8 миллион сўм соф фойда олишга эришди.

Қарор ва ижро

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Кредит маблағларидан самарали фойдаланилаётганлиги туфайли фермерлар зарур пайтда минерал ўғит, ёнилғи- мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, МТП хизмати, лизинг тўловлари ва бошқа мақсадлар учун ўз вақтида пул ўтказишмоқда, — дейди Марказий банкнинг Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи Эгамберган Бобожонов. - Шунингдек, улар иш ҳақини ҳам вақтида олишяпти. Сабаби — ҳисоб-рақамида ҳар доим маблағи бор. Молиялаштиришнинг янги усули фермерлар учун ниҳоятда қулай ва фойдалидир. Энг муҳими, бу уларнинг иқтисодиётини мустаҳкамлашда жуда қўл келмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, жорий йилдан бошлаб Андижон, Жиззах, Навоий ва Самарқанд вилоятларидаги фермерлар ҳам молиялаштиришнинг ана шундай усулида иш юритмоқдалар. Келгуси йилдан бошлаб эса Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида ҳам мазкур усул жорий этилади.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ёш авлод тарбияси — эътиборда

Кейинги йилларда Нурота туманидаги «Қизилча» ширкат хўжалигида қоракўл қўйлар сони 16 минг 220 бошдан 40 минг 766 бошга кўпайди. Жорий йил кўкламида эса ҳар юз бош совлиқдан 105 тадан қўзи олинди.

«Даромадга яраша буромад» деганларидек, қўлга киритилган соф фойданинг асосий қисми қурилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишга йўналтирилмоқда. Хусусан, бу ерда мавжуд 6 та мактаб биноси таъмирланиб, 1,5 миллион сўмлик китоб ва ўқув қуроллари харид қилинди, шунингдек, 300 та янги парта келтирилди. Болалар спортини ривожлантириш учун ҳам катта миқдорда маблағ ажратилди.

СУРАТДА: ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Ҳазратқул Қурбонов мактаб ўқитувчилари билан.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ўзбекистон Қаҳрамонлари

Муборак истиқлолнинг ўн уч йиллиги шаҳандликларга жуда қутлуғ келди. Яқинда қишлоқнинг марказий қўрғонидаги 34-мактабнинг янги, замонавий биноси болаларга тортиқ қилинганди, унинг орқасидан «Ас-Шахтекстиль» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси цехларида тўқимачилик дастгоҳлари гуриллай бошлади. Августнинг йигирма олтинчисида радио ва матбуот орқали эълон қилинган хушхабардан эса бутун қишлоқ яйраб кетди. Республика Президентининг Фармонига биноан Шаҳаннинг алп пахтакори Абдураим Ҳамидовга Ватаннинг олий мукофоти — Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилгани ҳақидаги хабар ўттиз минг кишилик қишлоққа зумда тарқади. Бундан, айниқса, унинг онаси, 82 ёшли Ибодат момонинг қувонганини айтмайсизми?

— Жанггоҳларда қолиб кетган бир аскарнинг етимини қаҳрамоним, дея ардоқлаган Юртбошимизга, қуллуқ. Сенга айтмасмидик, элга эш бўлган одамнинг ажри бор, деб. Шу мартабангни раҳматли отанг, устозларинг кўрганда эди, — ўғлининг қордай оппоқ сочларини силаб, дуога қўл очди табаррук онахон. Бу пайт юзларига севинч ёшлари юмалаган Абдураим аканинг кўз ўнгидан пахтага бахшида умрининг оғир-енгил кунлари бамисоли кино тасмасидай ўтаётганди.

ШАҲАНДДА ЧАРАҚЛАГАН ЮЛДУЗ

Бригадирликка тайинланган йилининг кузаги эди. Пахтазорда шип-шийдам ғўзалару изғиринда қорайган бўм-бўш чаноқлардан бошқа нарса йўқ. Бироқ, раҳбар борки, «далада борини сўнгги мисқолигача йиғиштириб оламиз», дейди. Туман режани аллақачон уддалаб қўйганига қарамай, ҳаммага қўшимча «график» берилган, уни барбод қилганнинг ҳолига вой, масаласи райком бюросига тушади. Ана шундай муҳокамалардан бирида қўшни хўжаликдаги Жуманазаров деган ҳамкасбининг «қайсарлиги» чиғирикдан ўтказилди. Қишлокдан қирқ чақирим узоқликдаги Ертикон адирликларидан янги ер ўзлаштириб, ишни дўндирган бу одам олдинги мавсумда мукофотга «Газ-24» олиб, бутун вилоятга танилганди.

— Сиз нега далага одам чиқармай қўйдингиз, нима, қорнингиз тўйиб қолдими? — гапни дағдаға билан бошлади райком деганлари.

— Ўзингиз биласиз, плондан чиққанимизга анча бўлди. Далада бир чигит ҳам қолмади, ҳисоб. Терган пахтамиз, ҳатто транспорт харажатини қопламаётганига, бўлди қилсакми, дегандим, — қўрқа-писа изоҳ беришга тушди «айбдор».

Райком бова деганларига даладан келган одамнинг чарслиги ёқармиди, унинг гапини охиригача эшитишни ҳам истамади, аксинча, бебош бригадирнинг ақлини киритиб қўйишга шошилди.

— Милициянинг каттаси қани, сенга партиявий топшириқ, шу ердан чиқасану Жуманазаровнинг «Волга»сини тортиб қўясан, хайф унга мукофот.

Бюрога чақирилганларнинг бари дилтанг қайтди. Ҳали «амалдорлик»нинг бир йилини ҳам ўтказмаган Абдураимнинг юрагида ҳам оғриқ. Дардини устози Ҳабибулла акага тўқиб солди.

— Наҳотки, рост гапнинг баҳоси шу бўлса? Ахир, далада ҳеч ваҳо йўқлигини каттаконнинг ўзиям кўриб турибди-ку. Қизиқ, ҳам меҳнат қилсанг, ҳам жабрини тортсанг. Бунақа миннатли мукофот не даркор?!

— Осмон узоқ, ер қаттиқ, нимаям қила олардик, ука? — сўнг ён-атрофига қараб секин деди. — Бу кунлар ҳам ўтар-кетар, ажабмас, деҳқоннинг гапи гап бўладиган кунлар келиб қолса, — қўли ишга бормай қолган шогирдининг «кўнглини кўтарди кекса пахтакор.

Устоз ва шогирд истаган давр келиши учун роппароса ўн олти қовун пишиғи керак бўлди. Бу борада Абдураимнинг бошидан ҳам бири ҳақ, бири ноҳақ қанча савдолар ўтди. Энди меҳнат кишисининг бошига офтоб текканидан, унинг косаси оқараётганидан ҳузур қилиб ишлаяпти. Янги замон деҳқоннинг ҳақ-ҳуқуқини, мустақил иш тутишини қонун билан мустаҳкамлаб қўйибди. Етиштиражак ҳосилининг буюртмачиси аниқ. Ҳаммадан ҳам пахтасининг қадрланганини айтмайсизми? Унга олис хорижда харидор бўлишаётгани, ўзбек пахтасидан тайёрланган тола жаҳон бозорида ўз ўрнини топганидан дили яйраганини кўринг.

— Қаранг, пахтамизни бировга бериб, ўзимиз ҳаво ўтказмайдиган нейлон матодан кўйлак кийибмиз-а. Бугун кийим харид қилиш учун бозорга чиққан одам борки, пахтадан тўқилганини қидиради. Америкага бориб келган ҳамқишлоқларим билан гаплашдим. Одамларнинг аксарияти эгнида пахталик, дейишди. Бунақа гапни эшитсанг, одам ич-ичингга сиғмай кетаркансан. Океан ортидаки, пахтамизга талаб бор экан, нега энди соҳани кўтармайлик, — дилидагини тилига чиқаради Абдураим ака.

Ўзбекнинг ўзлигини қайтариб берган истиқлолга раҳмат. Меҳр-оқибат, аҳиллик, киши кишига мададкор деган фазилатларимиз жонланганини бутун далада ҳам кўрасиз. Бош пудратчи ўзи бошлиқ кичик жамоада ҳамма бир-бирига суянчиқ бўлиб қолганини фахр билан сўзлайди.

— Одатим шунақа, аъзолар ишни тугатиб уй-ўларига қайтгач, далани яна бир карра айланаман-да, сўнг велосипедга ўтириб қишлоққа йўл оламан. Бир гал кетиш олдидан пайкал оралаб юргандим, кўзим кетмон орқалаган Солижонга тушди.

— Нима бўлди ука, бугун шу ерда тунаб қолмоқчимисан? — ҳазил-чин аралаш сўрадим қош қорайганига қарамай уйга қайтишга шошилмаётган пудратчига.

— Бир-икки кун тунаб қолишга ҳам тўғри келадиганга ўхшайди. Чунки, эртаиндин тўй бошламоқчиман. Албатта, уч-тўрт кун келдикетди билан овора бўлишим бор, йўқлигим билинмасин, дейманда. Қолаверса, бугун сиз билан ҳолироқ гаплашиб, маслаҳатингизни олишни мўлжаллагандим, — жавоб қайтарди у.

Икковлон анча суҳбатлашдик. Солижон «Маслаҳатингизни олай» деганида тўйнинг анча-бунча ками борлигини назарда тутган экан. Йигитнинг очиқ гапиргани маъқул тушди. «Менга, ёнидаги шерикларига ишонганидан айтяпти» кўнглимдан ўтказдим.

— Тўғри, ўйлабсан, тўй деганлари бошлангунча, бу-ёғидан келсанг биз ҳам қараб турармидик, бир томонини кўтариб юборармиз ахир. Биласан, жамоамиз кичик бўлгани билан ҳиммати баланд, шунақа пайтда кор келмасак, нима қилиб юрибмиз? Тўйни бемалол бошлайвер, маҳаллага бериладиган ошнинг гуручи, дастурхонига қўйиладиган нонининг уни биздан. Ғўзангдан эса кўнглинг тўқ бўлсин, ўзим хабар олиб тураман, — катта иш бошида турган пудратчисини хотиржам қилди у.

Худди шундай уюшқоқлик эскириб қолган дала шийпонини янгилашда ҳам қўл келди. Уни қуриш учун четдан қурувчи айтишга ҳожат қолмади, ўзимиз эплаймиз, дейишди ҳаммалари. Ёғоч-тоши ўзидан чиқди, етмаганини сотиб олишди. Яқинда қўлдан чиқарилган замонавий шийпонни кўрган киши ҳавас қилади. Еттита хонаси, мўъжазгина ҳаммоми, души бор.

Дарҳақиқат, пудратчилар кичик жамоа бўлгани билан катта корхонадай гап. Юмуши ҳам шунга яраша. Тасарруфида 71 гектар экинзори бор, ҳар бир кишига салкам икки гектардан тўғри келади. Ғўза деганлари деҳқоннинг кучи, шунинг баробарида унинг меҳрига қараб туради. Айтайлик, бир гектарлик пайкалда 90 минг тупдан 110 минг тупгача ғўза мавжуд. Ҳосили йиғиштириб олингунга қадар экиннинг ҳар бир тупи неча бор қўлдан ўтади.

Деҳқонга бош бўлиш-у, деҳқончиликни жойига қўйиш нозик иш. Ернинг саховатига кўз тутган одам, ўнинг қадрига етсин, қаровидан қочмай, вақтида озуқасини берсин, деб уқтиришган тажрибакорлар. Бироқ, бу юмушнинг қолипи йўқлиги чатоқда. Чунки, табиатнинг турфа хил кўринишига қараб йил ҳар хил келади. Унга бас келаман, деган одам пахтакорлик чопонини мустаҳкам кийиб олган бўлиши лозим, шунда об-ҳаво муаммо бўлмайди. Буни Абдураим Ҳамидов фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Ўттиз йил аввал бригада етакчилигини зиммасига олганди. Бултур йигирма тўққизинчи бор режа бажарилганлиги ҳақидаги зафарномани имзолади. Унинг бошчилигида ишлари ёришаётганидан биринчи навбатда жамоа аъзолари хурсанд. Маошни вақтида олишади, қўшимча ҳақ, топширилган ҳосилдан чиққан иккиламчи маҳсулотлар рўзғорга асқотиб турибди. Бош пудратчи ҳаммага бирдай меҳрибон, уларнинг ижтимоий ҳимоясини жойига қўяди. Бунга жавобан кўп нарса талаб қилмайди. Пудратчими, механизатор ёки сувчими, сидқидилдан ишласа, экинига юракдан чиқариб қараса кифоя.

А. Ҳамидов бош пудрати туманнинг олд жамоаси. Яқинда хўжалик бош иқтисодчиси уларнинг кейинги беш йиллик кўрсаткичларини таҳлил қилиб берди. Ҳосилдорликни бирор йил ҳам ўттиз беш-қирқдан тушмаган олтмиш кишилик жамоа шу муддатда 824 тонна пахта етказиб берибди. Бу шартномада кўзда тутилганидан 72 тонна ортиқ ёки кичикроқ бош пудратнинг бир йиллик хирмони. Агар иқтисодий томондан олиб қарасак, тармоқдан олинган соф фойда 25 миллион сўмдан ортади. Иккинчи тармоқ ғаллачиликни ҳам жойига қўйишяпти. 534 тонна буғдой етиштирган деҳқонлар унинг 30 фоизини натура ҳолида олишди.

— Қишлоқдаги ислоҳотлардан кўзда тутилган мақсад деҳқоннинг косасини оқартириш, — дейди бош пудратчи. — Аслида ҳам манфаатдорликни жойига қўйиш кейин ишни талаб қилиши керак. Оилавий пудратчиларга пировард натижадан оладиганини йил бошидаёқ нақд қилиб қўйиб, сўнгра шартнома тузамиз. Келишилгандан ортиқчаси ўзига тегишини билгани учун томорқасидаги сингари ишлайди. Мана, узоққа бориб ўтирмай, ғалла парваришини қойиллатиб, омборини донга тўлдирган пудратчиларни гапириб берай. Ҳайитов Зокиржонга 2,5 гектар ер бергандик. Юракда чиқариб қаради. Гектаридан 58 ўрнига 65 центнердан ҳосил олди. Ўзига салкам 2 тонна буғдой қолди. Холдоров Каримжон ҳам ўзию қариндош-уруғларининг бир йиллик ғалласини жамғариб қўйди.

Томчилардан кўл яралади. А. Ҳамидов сингари бош пудратлар яхши ишлагани сари ширкат хўжалиги имкониятлари кенгаймоқда. Хазинага пул тушяпти, омбор дон, сабзавотга тўлмоқда. Бултур зироатчиликдан 70 миллион сўм соф фойда кўтарилди. Ўртача бир гектардан олинадиган даромад 670 минг сўмни ташкил этди. Шундан келиб чиқиб, ижтимоий масалаларни ҳал этиш йўл-йўриқлари изланяпти.

Абдураим ака олтмиш бир ёшга кирди. Бироқ кўриниши анча тетик. Пахтачилик соҳасидаги самарали меҳнатлари эътиборга олиниб, мамлакатимизнинг олий унвонига лойиқ кўрилгани уни янада ёшартириб юборди. Кўзлари йигитларникидай чақноқ бу одам ўзига берилган мукофотни истиқлол берган неъмат — Юртбошимизнинг деҳқонга бўлган эътибори, қишлоқдаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлашнинг ёрқин намунаси, деб ҳисоблайди. Яна у айтадики, юртини яхши кўрган одам унинг келажаги учун қайғуради. Бу мақсад йўлида иши, ҳеч бўлмаса сўзи билан бир ғишт қўя олган киши ҳам чинакам ватанпарвардир.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ислоҳот қирралари

«Замин» банки:

БАРҚАРОРЛИК ВА ИШОНЧЛИЛИК

Ўнинчи йил фаолият кўрсатаётган банкнинг шиори ана шундай

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистоннинг молияга доир ёрдамчи тармоқларини, мамлакатнинг банк тизимини такомиллаштириш биз учун биринчи навбатдаги вазифадир», — деган кўрсатмаси «Замин» банки ходимлари учун дастуриламалдир.Дарҳақиқат, бозор иқтисодиёти шароитида барқарор ва самарали ишловчи банк тизимини яратиш мустақилликнинг илк кунларидан Ўзбекистонда юритилаётган иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Шунингдек иқтисодий мустақилликка, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг йилдан-йилга ривож топишига ҳамда молиявий мустақиллигига эришиш устувор вазифаларга айланди.

Мазкур вазифаларни бажариш ва уларни амалга оширишда «Замин» давлат акционерлик ипотека банки ҳам ўз ўрнини топди ва бугунги кунда ўз мижозларининг ишончли ҳамкорига айланди.

«Замин» давлат-акциядорлик ипотека банки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 7 сентябрдаги 350-қарорига кўра 20 млн. сўм бошланғич низом жамғармаси билан ташкил этилди ва унга 1995 йилнинг 14 ноябрь куни банк амалиётларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳамда 1996 йилнинг 4 июль куни валюта амалиётларини юритиш ҳуқуқини берувчи бош лицензиялари берилди.

Банкнинг асосий таъсисчилари қаторидан дастлабки кунларда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси (20%), Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (8%) ва бошқалар ўрин олди.

«Замин» банки Ўзбекистон банклари ассоциацияси, Республика тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, Халқаро эмиссион синдикат каби йирик ташкилот ва уюшмаларнинг аъзоси ҳисобланади.

Банкда қабул қилинган таваккалчиликни бошқариш тизими ўтган йилларда банк активларининг оптимал тузилмасини ушлаб туриш ҳамда банкнинг асосий молиявий кўрсаткичларини мунтазам равишда ижобий томонга ўзгариб бориш имконини берди. Маблағ қўйилмалари банкнинг стратегик мақсадлари асосида ва Марказий банкнинг меъёрий талабларига риоя этган ҳолда амалга оширилди.

Банкда активлар ва мажбуриятларни бошқариш жараёни учта асосий кўрсаткич: ликвидлик, даромадлилик ва таваккалчилик даражалари ўртасидаги оптимал мутаносибликни сақлаш тамойилига асосланган ҳолда олиб борилди. Банкнинг барқарор иш юритиши, аввало, унинг устав сармояси миқдори акциядорлари таркибига бевосита боғлиқ бўлгани учун, ушбу масалага жиддий эътибор қаратилиб, акциядорлар сафи йилдан-йилга кенгайиб, уларнинг банк устав сармоясидаги улуши ҳам ортиб борди.

Жумладан, банк капитали 1995 йилда 20 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига келиб қарийб 115 баробар ўсди ва 2 млрд. 290 млн. сўмни ташкил этди.

Банк томонидан эълон қилинган низом капитали шу йилнинг 1 июль ҳолатига 1 млрд. 440 млн. сўм миқдорида шакллантирилди. 6000 дан зиёд юридик ва жисмоний шахслар банк акцияларининг эгаларидир.

Банк активлари таркибида даромад келтирувчи активлар ҳажмини мунтазам ошириб бориш эвазига даромад келтирмайдиган активлар салмоғини йилдан-йилга камайтириш чоралари кўрилиб, банкнинг даромад келтирувчи активлари ўсиши таъминланди ва жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 7 млрд. 736 млн. сўмни ёки соф активларнинг қарийб 70 фоизини ташкил этди.

Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган тадбирлар иқтисодиётнинг хусусий секторини ривожлантиришга ва молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлса, банк томонидан иқтисодиётнинг хусусий секторини, яъни молиявий барқарор фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликларини банк хизматига жалб этиш ўтган даврларнинг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланган эди. Шу туфайли банк томонидан хизмат кўрсатилувчи мижозлар сони бир маромда ортиб борди ва бугунги кунда қарийб 16 мингтани ташкил этмоқда. Мазкур мижозларнинг асосий қисмини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этади.

Мижозлар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида банкнинг вилоятлардаги мини-банклари тармоғи кенгайтирилиб борилди. Бугунги кунда жами 36 та, шу жумладан, Қашқадарё вилоятидаги банк қошида 6 та, Бухоро, Наманган, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида 4 тадан, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида 3 тадан, Навоий, Хоразм, Андижон вилоятларида 2 тадан, Жиззах вилояти ва Тошкент шаҳрида 1 тадан мини-банклар ташкил этилди. Ишлаётган мини-банкларда мижозларга комплекс банк хизматлари кўрсатилмоқда.



Албатта, тижорат банклари фаолиятига баҳо берилганда, унинг активлар ва мажбуриятларини бошқариш жараёнида учта асосий кўрсаткич: ликвидлик, даромадлилик ва таваккалчилик даражалари ўртасидаги оптимал мутаносибликни сақлаган ҳолда бошқариш, шу ўринда активлари ҳажми, таркиби ҳамда ривожланиш даражаси ҳисобга олинади. Шу маънода банк томонидан иқтисодиётга кредит қўйилмалари қўйиш, кредит портфелини шакллантириш ва умуман, активларини кўпайтиришда унинг «Кредит сиёсати» ва «Фоиз сиёсати» муҳим аҳамият касб этиб, уларга мувофиқ, банкда мижозларга кредит, факторинг, лизинг хизмати кўрсатиш аниқ дастур асосида олиб борилмоқда. Бунда банк нафақат ўз активлари ҳажмини кўпайтириш, балки активлар таркибидан даромад келтирувчи қисмини барқарор ошириб бориш, уларни мижозларнинг мулкчилик шаклидан, асосий кредитларнинг муддатларидан келиб чиқиб диверсификациялаш, нафақат активларни шакллантиришнинг анъанавий кредитлаш туридан, балки замонавий усуллардан, хусусан, лизинг, факторинг каби усулларидан фойдаланишга устуворлик берилиб, банк кредит портфели сифатини максимал даражада оширишда фақатгина ишончли мижозларга, амалда самара берадиган лойиҳаларни молиялаштиришга кредит беришдан иборат бўлмоқда. Натижада йилдан-йилга банк активларининг барқарор ўсиши таъминланаётир.

Бунинг натижасида банкнинг жами кредит қўйилмалари шу йилнинг 1 июль ҳолатига 7 млрд. 546 млн. сўмни, соф активлардаги улуши эса 69 фоизни ташкил этди. Жами кредит қўйилмаларининг 2 млрд. 948 млн. сўми ёки 39 фоизини қисқа муддатли кредитларга, 4 млрд. 598 млн. сўми ёки 61 фоизи ўрта ва узоқ муддатли инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга, шу жумладан кичик бизнес субъектларига йўналтирилди.

Кредит қўйилмалари таркибини иқтисодиёт тармоқлари бўйича жойлаштирилишини таҳлил этадиган бўлсак, унинг асосий қисмини, яъни 43 фоизини қишлоқ хўжалиги соҳасига ажратилган кредитлар ташкил этади. Шунингдек, кредит қўйилмаларининг 21 фоизи саноатга, 9 фоизи айланма маблағларни тўлдиришга, 6 фоизи қурилишга, 19 фоизи хизмат ва 2 фоизи эса иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига йўналтирилди.

«Замин» давлат акциядорлик ипотека банки ҳукумат дастури асосида амалга оширилаётган иқтисодиётнинг хусусий секторини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларда ўз ҳиссаси билан фаол иштирок этиб келмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида ҳам Президентимиз ушбу масалада қуйидагиларни айтиб ўтдилар: «Биз учун устувор бўлиб қолаётган энг муҳим вазифалардан бири — бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласидир".Шулардан келиб чиқиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқаришнинг реал секторини кредитлаш бўйича фаоллик кўрсатиш, иқтисодиётимизнинг устувор йўналишлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва барқарор мижозлар таркибини шакллантириш банкнинг асосий стратегик йўналишларидан бири ҳисобланади.

Банк ўзининг стратегик ҳамкорлари ҳисобланмиш кичик бизнес вакиллари бўлган фермер ва деҳқон хўжаликлари, кичик корхоналар, хусусий фирмаларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига банк кредит қўйилмалари қолдиғининг 4 млрд. 879 млн. сўми ёки 65 фоизини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ташкил этади.

Жорий йил давомида берилган кредитлар натижасида шу йилнинг ўзида 3028 та ишчи ўринлари яратилиб ва пировардида 573 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқилди.

Банк томонидан мижозларга имтиёзли кредитлар ажратилиб, бугунги кунда мазкур мижозлар томонидан молиявий барқарор фаолият кўрсатаётганларига қуйидагиларни мисол қилиш мумкин:

«Олтин-Шер-Навоий» хусусий фирмасига яхна ичимликлар ишлаб чиқариш учун 35 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилган бўлиб, ҳозирги кунда корхонада 15 янги ишчи ўрни яратилган. Фирма ўтган 2003 йил давомида 149,5 млн. сўмлик маҳсулот сотган, соф фойда ҳажми 49,9 млн. сўмни ташкил этган. Ҳозирги кунда фирма ўзининг савдо мажмуасига эга. Фирма ўз ишлаб чиқариш жараёнини янада ривожлантириш мақсадида «Вольсон Шарқ Энтерпрайзес» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонасининг ҳамда «УзПолет» корхонасининг полиэтилен бутилкалар ишлаб чиқариш, этикетка ва қадоқлаш бўйича ускуналарини ўрнатган.

«Зарафшон» хусусий корхонасига пахта ёғини ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун банк томонидан 250 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилган. Кредит маблағи ҳисобидан корхона учун бино, ускуналар ва хомашё сотиб олинган. Корхона 2004 йил 1 январдан пахта ёғи ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Ҳозирги кунда корхонада 60 та янги ишчи ўринлари ташкил қилинган.

«Заршед» хусусий фирмасига паррандачиликни ривожлантириш мақсадида 100 млн. сўм миқдорида банк томонидан ўрта муддатли кредит ажратилган бўлиб, кредит маблағи ҳисобига фирма жўжа, жўжаларни боқув цехи ва товуқлар сотиб олган. Ҳозирги кунда фирмада 22 та янги ишчи ўрни яратилган. Бугунги кунда фирмада 60 мингта товуқ мавжуд. Ўтган йили 250 млн. сўмлик маҳсулот етиштирилди ва аҳолига етказилди. Ушбу даврда олинган соф фойда 17 млн. сўмни ташкил этди.

«Салис» хусусий фирмасига бинолар томини ёпиш учун мўлжалланган черепица ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида банк томонидан 60 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилган. Кредит маблағи ҳисобидан ишлаб чиқариш ускуналари ва хомашё сотиб олинган. Ҳозирги кунда корхонада 12 та янги ишчи ўринлари яратилган. Корхона ўтган йил давомида 216 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган. Ҳозирги кунда корхона тўла қувватда черепица ишлаб чиқаришни амалга оширмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда тижорат банклари ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, банкда «Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси» ташкил этилиб, унинг 138 млн. сўм миқдордаги маблағи ҳисобига фермер ва деҳқон хўжаликлари, кичик ва ўрта корхоналар, хусусий фирмаларнинг асосли лойиҳалари молиялаштирилди.

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили муносабати билан банк томонидан Самарқанд вилоятидаги карлар жамиятига қарашли ўқув ишлаб чиқариш корхонасига ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида 15 млн. сўмлик имтиёзли кредит ажратилди ва бугунги кунда мазкур корхонада тўлиқ ҳажмда ишлаб чиқариш ташкил этилди ва корхонанинг молиявий барқарор ҳолати қайта тикланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги «Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида тижорат банкларига фермер ва деҳқон хўжаликларига, микрофирмаларга, кичик ва ўрта бизнес корхоналарига берилаётган инвестиция кредитлари миқдорини кенгайтиришни назарда тутиш тавсия қилинган эди. Мазкур топшириқнинг ижросини таъминлаш мақсадида ўтган даврда банк томонидан талайгина ишлар амалга оширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни молиялаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2003 йил 30 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари асосида 2003 йил давомида Бухоро, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятларига давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёсини ва ғалла ҳосилини етиштиришдаги харажатларни молиялаштириш учун фермер хўжаликларига жами 430,5 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган бўлса, шу йилнинг ўтган даврида мазкур йўналиш бўйича Бухоро, Наманган, Фарғона, Хоразм, Андижон, Жиззах, Навоий ва Самарқанд вилоятларига 1 млрд. 417 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

Банкка бўлган ишонч йилдан-йилга ошиб бораётганлиги сабабли жорий йилда ўтган йилга нисбатан фермер хўжаликлари сони банкда қарийб уч баробар ўсиб, шу ўринда уларга имтиёзли кредитлаш ҳам ўсиб бормоқда. Банк томонидан пахта хомашёсини ва ғалла ҳосилини етиштиришдаги харажатларни молиялаштириш учун фермер хўжаликларига ажратилган имтиёзли кредитлар ўз вақтида ва тўғри олиб борилган мониторинг натижасида ўтган йилда ва жорий йилда ғалла ҳосили учун ажратилган кредитлар тўлиқ фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган маҳсулотлари ҳисобидан қопланди.

Ўтган давр давомида банк активларининг мунтазам кўпайиб боришини таъминлаш мақсадида банк ресурс базасини мустаҳкамлаш, аҳоли ва корхоналарнинг вақтинча бўш маблағларини депозитларга жалб этишни кенгайтириш ишлари давом эттирилди. Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида банк ресурслари жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 6 млрд. 540,2 млн. сўмни ташкил этди.

Шунингдек, аҳоли ихтиёридаги бўш маблағларни омонатларга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, банк ўз омонатчиларига бугунги кунда аҳолининг турли қатламларига мўлжалланган 10 турдаги омонатларни таклиф этмоқда. Ҳозирда банк томонидан аҳолининг 1 млрд. 453,7 млн. сўм миқдоридаги маблағлари омонатларга жалб этилди.

Банк ўз фаолияти давомида республикамиз қимматли қоғозлар бозорининг фаол иштирокчиларидан бирига айланди. Бу борада олиб борилаётган эмиссион сиёсат ўз самарасини бермоқда. Жорий йил бошидан бошлаб банк томонидан жисмоний ва юридик шахслар учун депозит сертификатлари муомалага чиқарилиб, ҳозирги кунда уларнинг 347,7 млн. сўмлик қисми жойлаштириб бўлинди.

Банк қимматли қоғозлар бозорининг фаол иштирокчиси ҳисобланади. Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига банкнинг қимматбаҳо қоғозлар портфели 178 млн. сўмни ташкил этади. Банкнинг қимматбаҳо қоғозлар портфелига 9 та акционерлик жамиятининг акциялари киради ва банк уларнинг 2 тасининг фаолиятини бевосита бошқаришда ўз вакиллари орқали иштирок этади.

Банкда пул муомаласини барқарорлаштириш, нақд пул эмиссиясини қисқартириш ҳамда иш ҳақи юзасидан муддати ўтган қарзларни қисқартириш борасидаги ишларда ҳам ўтган даврда бир қадар ижобий натижаларга эришилди.

Маълумки, 2003 йилда республика ҳукумати ва Марказий банки томонидан иқтисодиётни ҳамда валюта бозорини янада эркинлаштириш, алмашув курсларини унификация қилиш жараёнида биржадан ташқари валюта бозорида амалиётларни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб муҳим қарорлар қабул қилинди. Бунинг натижасида биржадан ташқари валюта бозоридаги амалиётлар ҳажми ўсди, банклар конвертация амалиётларини амалга оширишда катта мустақилликка эга бўлди, шу билан бирга ташқи савдо амалиётларида иштирок этувчи мижозлар сони кўпайди.

Бу борада банк томонидан ҳам ушбу амалиётларни кенгайтириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиб, ушбу тадбирлар асосида аҳолига ва банк мижозларига замон талаблари даражасида хизмат кўрсатадиган 21 та валюта айирбошлаш шохобчаси ташкил этилди ва бугунги кунда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Банк молиявий хизмат турларини янада кенгайтириш ҳамда валюта амалиётларидан бири бўлган халқаро пул ўтказмаларини йўлга қўйиш мақсадида дунёдаги компаниялар ўртасида юқори нуфузга ҳамда дунёнинг барча давлатларида ўз филиалларига эга бўлган «Western Union» компанияси билан ҳамкорликда халқаро пул ўтказмаларини тез ўтказиш хизмати бўйича шартнома тузиб, 13 та пул ўтказиш шохобчалари орқали аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Ушбу шохобчалар малакали ходимлар билан таъминланган. Фақат жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида мазкур йўналишдаги амалиётларнинг умумий миқдори 600,0 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Биржадан ташқари валюта бозорида амалиётларнинг кенгайтирилиши натижасида жорий йилнинг ўтган давр мобайнида банк мижозлари ва аҳолидан биржадан ташқари валюта бозорига 3 784 минг АҚШ долларидан кўп миқдорда жалб қилинди, банк мижозларидан эса 2 852 мингдан ортиқ АҚШ доллари миқдорида эркин валюта маблағлари харид қилинди.

Банк томонидан мижозларнинг буюртмаларига асосан конвертация амалиётлари тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилмоқда.

Бу келажакда муҳим устувор йўналишларимиздан бири бўлиб, банкнинг валюта бозоридаги мавқеини оширишни таъминлайди.

Бугунги кунда ходимлар сони банк тизимида 547 нафарни ташкил этиб, шулардан 364 нафари олий маълумотли банк соҳасининг мутахассисларидир. Банк томонидан олиб борилган кадрлар сиёсати натижасида охирги 5 йил давомида ҳар йил 2 нафардан раҳбар ходим Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясига тингловчилар сафига қабул қилиниб, аъло билим даражалари билан ушбу ўқув даргоҳида таҳсил олиб қайтдилар.

Мазкур ходимларнинг «Замин» давлат-акциядорлик ипотека банкида фаолият кўрсатиб, ушбу банк тизимидан тўғридан-тўғри юқори вазирлик органларига ишга такдиф этилганликларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Яъни ушбу ходимлар республикамизнинг юқори идоралари ва бошқа вазирликларда фаолият кўрсатмоқдалар.

Ходимларни танлаш, жой-жойига қўйиш, уларнинг малакасини ошириш бўйича вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш банк зиммасига катта маъсулият юклайди.

Охирги йилларда республика банк тизимидаги ўзгаришлар шуни кўрсатдики, келажак бизнесни фаол ривожлантираётган, кўрсатилаётган хизматлар доирасини ва ҳажмларини мунтазам кенгайтириб бораётган, улар сифатини такомиллаштираётган, ўз фаолиятида замонавий фан ва техниканинг энг илғор ютуқларини тадбиқ қилаётган универсал банкларникидир.

«Замин» давлат акциядорлик ипотека банки ҳам мазкур ўзгаришларни ва янгиликларни ҳаётга тадбиқ қилган ҳолда Ўзбекистонда илғор, йирик универсал банклар сафидан жой олиш ҳамда барқарорликни янада ошириш каби устувор вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Банкнинг матбуот хизмати.

Оқтошдаги "Наргиза" мактабгача тарбия муассасасида 85 нафар кичкинтойлар таълим-тарбия олмоқда. Умрининг қарийб ўттиз йилини болалар таълим-тарбиясига бағишлаган, республика халқ маорифи аълочиси Меҳринисо Абдурахмонова етакчилик қилиб келаётган ушбу боғчада болажонлар учун барча шароитлар яратилган. Спорт майдончалари, тўгараклар жажжилар ихтиёрида.

— Биз уларнинг соғлом ва бақувват бўлиб камол топишлари учун қўлимиздан келган барча ҳаракатни қиляпмиз, — дейди опа. — Ахир, болаларга эътибор юртимиз келажагига эътибордир.

СУРАТДА: "Наргиза"нинг жонкуяр тарбиячиси Тўлғаной Ражабова болажонлар билан.

Тоҳир НОРҚУЛОВ олган сурат.

Амалий иш ўрнига қуруқ маслаҳат

Журналист суриштируви

Зиёвуддин шаҳарчаси Пахтачи туманининг маркази ҳисобланади. Унинг қоқ ўртасидан "Нарпай" канали оқиб ўтади. Бир замонлар мана шу оби ҳаёт манбаи теграсида зовурлар ва жарликлар бисёр эди. Улар ерости сувларини қочирувчи восита вазифасини ўтарди. Тупроқ унумдорлигини, зироатгоҳлар мусаффолигини асрашда асқотарди. Қарангки, айрим корчалонлар шуни кўра-била туриб, бундан 14-15 йилча муқаддам ғалати йўл тутишди. Зовурлар ва жарликларни бошдан-оёқ кўмиб-текислаб, уй-жой қуриш ва томорқа сифатида фойдаланиш учун эҳтиёжмандларга тақсимлаб беришди. Оқибатда тўпланаётган сизот сувлари юқорига кўтарилиб кетди. Табиат мутаносиблигига путур етди. Бора-бора "Тошкент — Бухоро" марказий автомобиль йўли бўйида жойлашган А.Аллаёров, Қ.Ражабов номидаги ҳамда "Деҳқонобод" ширкат хўжаликлари экинзорлари ҳам қисман ишдан чиқди. Мелиоратив ҳолати бузилиб, ҳосилдорлиги пасайди. Уларни аслига қайтариш учун йил сайин ортиқча маблағ сарфлаш зарурати туғилди.

Кўр-кўрона иш юритишдан, табиат билан ноўрин ҳазиллашишдан, айниқса, Зиёвуддин шаҳарчасидаги Амир Темур маҳалласи катта зарар кўрди. Бир қатор ҳовлиларда табиий кўлмакчалар пайдо бўлди. Ичигача зах тортган уйлар девори нураб, пойдевори чўка бошлади. Томорқаларда деҳқончилик қилиб, маҳсулот етиштириш имконини йўқолди. Маҳаллага кўрк бағишлаб турган дов-дарахтлар қовжираб-қуриди. Бугунга келиб сунъий офатдан турли даражада зарар кўрган хонадонлар сони етмиштага яқинлашиб қолди.

"Агар аҳвол шу зайлда давом этаверса, — деб ёзади фуқаро Саид Авезов таҳririятимизга йўллаган мактубида, — икки-уч йилдан сўнг росмана фожиага рўбарў келишимиз аниқ. Шуни назарда тутиб, ўтган давр мобайнида кўплаб идоралар остонасига бош урдик. Афсус, илтижоларимиз зое кетди. Энди охирги умидимиз сизлардан..."

Биз шикоят хатини жойида ўрганишга, масалага мутасаддилар ҳамкорлигида ойдинлик киритишга аҳд қилдик. Шу ниятда Пахтачига етиб борганимизда туман ҳокими Ориф Аллаёров фаоллар ва мутахассислар билан бирга айни муаммо хусусида фикрлашаётганининг устидан чиқдик.

— Арзномада тилга олинган воқеалар ҳам, маҳалладошлар эътирози ҳам тўғри, — деди у муддаомизни англагач, дангалига кўчиб. — Шу боис одамлар талабини қондиришга интилаяпмиз. Фақат, очиғини айтиш керак, юзага келган муаммони танҳо ўз кучимиз билан ҳал қилишнинг иложи йўқ. Унинг ечими кўп жиҳатдан вилоят ва республика миқёсидаги идора-ташкилотлар саъй-ҳаракатига ҳам боғлиқ. Бироқ улар ҳар сафар қуруқ ваъда-ю маслаҳат беришдан нарига ўтишмаяпти...

Дарвоқе, ҳокимнинг қунишлари бежиз эмас экан. Юқорида номлари тилга олинган хўжаликлар ва шаҳарча гарчи туман ҳудудида жойлашган эса-да, ёнатрофдаги қудуқлар ва йўл бошқа-бошқа идоралар тасарруфида экан. Ана шу туфайли йиллар мобайнида сансалорлик авж олиб, вазият чигаллашиб кетган экан. Мана, масалан, туман ҳокимлиги 1994 йил 3 февралда тасдиқлаган лойиҳани олайлик. Унга кўра, аҳволни ўнглаш учун марказий автомагистралнинг 128, 129, 130- ва 135-километрларида йўл остига кўндалангига металл қувурлар ётқизиш режалаштирилган. Орадан кўп ўтмай, сизот сувлар кўтарилиши тезлашгач, дренажларнинг тўла-тўкис ва меъёрида ишлашини таъминлаш, табиий муҳит кўринишини ва меъморчилик обидаларини сақлаб қолиш мақсадида уларнинг ўрнига кўприклар барпо этиш фойдалироқ, деган хулосага келинган. Туман ҳокимлиги ушбу масалада ёрдам сўраб, 1998 йили "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик концернига ва "Самарқанддававтойўл" бирлашмасига хат жўнатган. Ўша йили ёзда Тошкенту Самарқанддан мутахассислар келиб, вазиятни обдон ўрганишган. Пировардида муаммони ҳал этиш учун, ҳақиқатан ҳам, кўприклар қуриш, металл қувурларни алмаштириш зарур деган хулосага келишган.

Хўш, кейин-чи?

Таассуфки, амалда ҳеч нарса ўзгармади. Зах сувлар сатҳи тобора кўтарилаверди. Ундан зиён-захмат кўраётган оилалар сафи тағин-да кенгаяверди. Бу йилги кўкламнинг серёғин келиши эса дард устига чипқон бўлди. Чунончи, Амир Темур маҳалласидаги аҳвол ўта танглашди. Норозиликлар, шикоятбозликлар баттар авжига чиқди.

Албатта, туман ҳокимлиги одамлар талаб-истагини эътиборсиз қолдирмади. Қандай бўлмасин, аҳолини бошқа жойга кўчирмаган, оилаларни ортиқча ташвишга қўймаган ҳолда, зах сувларни қочириш йўлларини қидирди. Алқисса, бунинг учун биринчи навбатда мазкур ҳудудга хизмат кўрсатаётган "Самэкосанҳимоя" номли масъулияти чекланган жамиятнинг канал ёқасидаги 10 та ерости тик қудуғининг барчасини бирваракайига ишга туширишга жоиз, деган тўхтамга келди. Шунга мувофиқ, 13 май куни катта умидлар ила жамият раиси Р.Мингбоевга мактуб йўллади. Қудуқлардан имкон қадар самарали фойдаланиш учун қўшимча электр энергияси лимити ажратилишида кўмак сўради.

Ўз навбатида, Р.Мингбоев ҳам сизот сувлар хонадонларга ҳамда экин майдонларига катта талофат етказаётганини эътироф этди. Зиёвуддин шаҳарчасида экологик ҳолатнинг бузилишини "Нарпай" канали ер сатҳидан 2-2,5 метр баланддан ўтгани, замин қаъридан сўриб олинаётган зах сувларнинг қайтадан ерга сингиши эса "Тошкент — Бухоро" автомобиль йўлидаги қувурлар зовур чуқурлигига нисбатан 1-1,5 метр юқори ётқизилгани билан изоҳлади. Илтимосни қондиришга келганда эса, осонгина усулни қўлладди. Туманда мавжуд тик дренажлардан еттитаси соз ҳолатдалигини, шундан бештаси узлуксиз ишлаб турганини эслатиб, электр энергияси учун қўшимча маблағ ажратишнинг иложи йўқлигини билдирди. Аниқроғи, масъулиятни ўз бўйнидан соқит қилди. Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи А. Диёров ҳам вилоят ва туман ҳокимликларига йўллаган жавобида шунга ўхшаш важларни келтириш билан чекланди.

Хулласи калом, кўриб турибсиз, Пахтачида лоқайдлик ва сансалорлик туфайли вужудга келган сунъий офатни тўғри баҳолайдиганлар, унинг туб сабабларини ипидан-игнасигача батафсил шарҳлайдиганлар кўп. Мушкулотни бартараф этиш борасида оғзаки-ю ёзма равишда маслаҳат берадиганлар кўп. Ҳозир ҳам шундай: кимдир зовурлар қазишни давом эттиришни, кимдир кўприклар қуриб, қудуқларни тўлиқ ишлатиш даркорлигини зўр бериб уқтираяпти. Аммо амалий ишга қўл урадиганлар, одамлар дардига тезроқ малҳам қўядиганлар топилмаяпти. Ҳолва деган билан оғиз чучимаяпти.

Бас, шундай экан, энди ўзингиз холисона айтинг: бу кетишда оқибати нима бўлади? Зиёвуддин аҳли токайгача қуруқ ваъдаларга-ю қоғоздаги режаларга ишониб таҳликада яшайди? Муаммога ким, қачон нуқта қўяди?!.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ,
Абдурасул САТТОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбирлари.

ИИВ Матбуот маркази хабар қилади

Бировнинг ҳақи

Равшан Азизов Иштихон тумани «Митан» қўрғонида жойлашган телефон-сўзлашув пункти ёнидан ўтиб кетаётганда икки киши унга ташланади. Бундай бўлишини кутмаган жабрдийда довдираб қолади. Талончилар бундан фойдаланишнинг эвини қилишади. Яъни Равшанни кўрқитиб, куч ишлатиб, унинг ҳамёнида бўлган бор-йўғи 2000 сўмни тортиб олишади.

Талончиларнинг қилиғидан таъсирланган жабрдийда туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилади. Кўрилган чоралар натижасида «Митан»да яшовчи икки шерик — Рустам Бадриддинов ва Самариддин Бойниёзовлар ушланади.

Бировнинг арзимас пулини деб қилмиш содир этганлар устидан кетаётган тергов иши якунланиб қолди.

Жанжал оқибати — ўлим

Қирқ ёшни қоралаган Тўланбой Сафанов муқаддам судланганди. Бундан тегишли хулоса чиқаргандир, деган фикрда уни Андижон шаҳридаги уй-жой қурилиш комбинатига ишга олишади. Рўзғор тебратиб, тирикчилигини ўтказиб юрган бу инсон яна мудҳиш воқеа содир этди. У бир кўчада яшайдиган қўшниси Насибхон Тўраев билан жанжаллашиб қолади. Сўнг унинг кўксига пичоқ уради. Оқибатда жабрдийда касалхонада жон беради.

Қотиллик содир этган Т. Сафанов эса ўша заҳотиёқ қўлга олинди.

Аёл бўғчасида оғу

Қўшни Қирғизистон Республикасининг Токтагул шаҳарчасида яшайдиган А. Гулбайрани шайтон йўлдан урибди, денг. У Наманган вилояти ички ишлар ҳамда божхона хизмати ходимлари томонидан ушланганда бу ҳолат аён бўлди-қолди. Сабаби юртимизга келаётган меҳмоннинг бўғчаси текширилиб, кўздан кечирилганда, унинг тугунидан бир кило-ю 158 грамм гиёҳвандлик моддаси — гашиш топилди.

Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг тегишли моддасига асосан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шифокор огоҳлантиради

Умрнинг гавҳари, шамчироғи саломатликдир. Тиллога топилмас бу нодир бойликни асраб-авайлаш, аввало, ўзимизга боғлиқ. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотларининг маълумотларига қараганда, сўнгги йилларда юқумли касалликларни қўзғатувчи микроблар осонликча «жон» бермаяпти. Шу сабабли вирусли гепатит каби юқумли хасталиклар кенг тарқалиб, уларнинг оғир кечадиган турлари ортаётгани кузатилмоқда.

Дарднинг олдини олиш осон

Чунончи, илгари асосан Жануби шарқий ва Марказий Осиёда кўп учрайдиган А ҳамда Е вирусли гепатитлар эндиликда Европа минтақасига ҳам «кириб» бораяпти. Дунё олимлари бундан қаттиқ ташвиш билдираётгани бежиз эмас.

Вирусли гепатит, халқ ибораси билан айтганда, сариқ касаллиги даврийлик хусусиятига эга бўлиб, ҳар 10-12 йилда уларнинг камайиб ёки кўпайиб туриши аниқланган. Хасталикни чақирувчилар турли хил вируслардир. Ҳозирги кунда уларнинг А, В, С, Е, Д каби турлари мавжуд бўлиб, касаллик нафақат жигар, балки бутун организмга зарар етказиши билан хавфлидир.

Вируслар тушган озиқ-овқат ёки сувни истеъмол қилиш, шахсий гигиена қоидаларига риоя этмаслик касаллик юқишига сабаб бўлиши мумкин. А гепатитнинг яширин даври 7 кундан 50 кунгача. Бу муддат давомида касаллик аломатлари сезилмайди, лекин яширин давр охирига келиб, беморнинг жигари, қонида дастлабки ўзгаришлар юз беради. Унга чалинган беморлар дармонсизлик, иштаҳа пасайиши, кўнгил айнишидан шикоят қилишади. Кўпчилик ҳолларда тана ҳарорати кўтарилади. Ёш болаларда вирусли В гепатити кўп учрайди. У асосан қонда бўлади. Аслида В гепатит хасталиги билан оғриган болаларнинг 40 фоизидан кўпроғи шу касаллик билан оғриган оналардан дунёга келганликлари маълум.

Кузатувлар шуни кўрсатадики, оналарда сариқ хасталиги авж олган даврда дунёга келган болаларнинг деярли ҳаммаси она қони орқали касалликни юқтириб туғилар экан.

Ҳар қандай дардни даволашдан кўра унинг олдини олиш осонроқ. Инфекцияга қарши кураш тадбирларидан бири эса аҳоли яшайдиган манзиллар, жамоат жойлари, шаҳар ва қишлоқларда санитария-гигиена қоидаларига тўла риоя қилишдир. Санитария қоидаларини бузувчи шахсларга нисбатан қатъий чора кўриш вирусли гепатитнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, А ва В вирусли гепатитларга қарши вакциналар билан эмланган кишиларга касаллик юқмайди. Бугунги кунда Жаҳон банкининг «Саломатлик лойиҳаси» ва «ГАВИ лойиҳаси» ёрдамида болаларни вирусли гепатит В га қарши эмлаш учун вакциналар олинган. Ёш болалар оммавий тарзда эмланмоқдалар. Бу эса келажак авлод саломатлиги ҳақида яна бир ғамхўрликдир.

Омон МИРТАЗАЕВ,
Республика Саломатлик институти директори, профессор.

MAKSIMA МЕБЕЛЬ САЛОНИ

Италия, Испания, Польша, Германиядан келтирилган мебеллар, ёритгичлар, қандиллар, идиш-товоқ, расмлар, кўрпа-ёстиқ анжомлари ва санъат маҳсулотларини таклиф этади.

MAKSIMA АРТ-ДИЗАЙН-СТУДИЯСИ

хонадонингиз, ҳовлингиз дизайнини якка тартибда ишлаб беради.
Каталог бўйича буюртмангиз етказиб берилади.

Ўзбекистон бўйича етказиб ва йиғиб бериш бепул.

Манзилимиз: Тошкент ш., Қунаев к. (собиқ Сапёрная), 46-уй.
Мўлжал — Миробод бозори.
Тел.: 111-14-44, 152-75-94.
e-mail : maksima_@globalnet.uz
Товарлар сертификатланган.

Корхона ва ташкилотлар диққатига!

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази

қурилишни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

1. «Ўзқишлоққурилишлойиҳа» институти биносини Самарқанд вилояти давлат солиқ бошқармаси биносига капитал таъмирлаш.

Объектни фойдаланишга топшириш муддати — 2005 йил , декабрь ойи.
Буюртмачи — Самарқанд вилояти давлат солиқ бошқармаси..
Манзили: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 85а-уй. Телефон: 34-42-23, 34-06-16.
Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус 2-«Г», 208-хона.
Телефонлар: 31-13-51, 33-32-00.

Ҳужжатларнинг бир тўплами (комплект) қиймати — 40000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдонида, соат 18.00да Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

ТРАНСАЭРО АВИАКОМПАНИЯСИ

БИЗНЕС ВА ДАМ ОЛИШ УЧУН АВИАКОМПАНИЯ

МОСКВА

Бизнес класс тарифи эконом класс баҳосида, пенсионерлар, ёшлар ва оила тарифлари.

БУЮК БРИТАНИЯ

Лондон, Эдинбург, Манчестер — янги тарифлар.

ГЕРМАНИЯ ВА ФРАНЦИЯ

5 фоиз чегирма, талабалар учун йиллик тариф.

133-99-35, 133-76-38, 133-27-45.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

«Нурободдон» масъулияти чекланган жамияти тугатилиб, «Самарқанддон» ҳиссадорлик жамиятига қўшилиши муносабати билан корхонага билдириладиган барча даъво ва эътирозлар бир ой муддатда қабул қилинади.
Манзил: Нуробод тумани, Нурбулоқ қишлоғи.
Телефон 3-18-38.

ЎЗБЕКИСТОН - КИПР ҚЎШМА КОРХОНАСИ

MEKSKORT INDUSTRIES

Тошкентда ишлаб чиқариб ва омборхонасидан чакана ва улгуржи нархларда

ЭЖК A2DII русумли оқ тунукадан, олий сифатли «БЕКАЖОН», шиша банкаларни консервалаш учун ҚОПҚОҚЛАРНИ сотади.

Оддий ва литографияли, икки маротаба лак қопламали.

Тўлов шакли — турли усулда.
Қопқоқларнинг сақланиш муддати — 2 йил.
Тел.: 136-00-33, факс: 136-12-21.
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моваroуннаҳр» кўчаси, 19-уй.
Товар сертификатланган

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси Бош вазир ўринбосари Абдулла Ниғматович Ариповга оналари **МУҚАДДАМ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Касби тумани Шароф Рашидов номли ширкат хўжалиги оилавий пудратчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони **Ғайбулло РАҲМОНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги жамоаси агентлик бош директорининг биринчи ўринбосари Ҳусан Нигматовга ва Тошкент вилояти ҳудудий газ таъминоти корхонасининг бўлим бошлиғи Ғанижон Джураевга оналари **Нури РАУПОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси бошқарма бошлиғи Юсупбой Ғойиповга укаси **Амат САПАРБОЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси компания чоп этиш цехи бошлиғи Рустам Мирраҳимовга отаси **Фаррух МИРРАҲИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси «Иқтисодий назария» кафедраси доценти Зарифа Ғофуровага онаси **ЗЕБИНИСО аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г—968. 22129 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[Г]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.10 23456